# ЛЕВ ТОЛСТОЙ ҲАҚИДА ҲАҚИҚАТЛАР

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2010

**83.3(2Рос=Рус)1**
**Л30**

**Лев Толстой ҳақида ҳақиқатлар** / тўплаб нашрга тайёрловчи А.Намозов. - Т.: Янги аср авлоди, 2010. - 184 б.

I. Намозов Анвар, тўпловчи.

Инсоннинг бу дунёга келиб кетишида қандай маъно бор? Умуман, одамзод умрининг моҳияти нима? Жаҳоннинг буюк мутафаккирлари, машҳур файласуфлар ҳамиша ана шу саволлар устида бош қотирганлар. Буюк адиб Лев Толстой ўзининг «Иқрорнома» асарида инсон умрининг мазмуни ҳақида бош қотирар экан, унинг ҳаётида эътиқод, диннинг ўрни ва роли ҳақидаги теран мушоҳадаларни ўртага ташлайди, улкан даҳоларни қийнаган маънавий муаммоларга жавоб излайди. Асар Лев Толстой ҳаёти ва дунёқарашининг янги қирраларини акс эттирганлиги билан муҳим ва қадрлидир. Забардаст адабиётшунос олимимиз Озод Шарафиддинов таржимасидаги ушбу асар китобхонга кўп маълумот беради. Шунингдек, китобда машҳур рус адибининг Уильям Шекспир ижодига нисбатан танқидий қарашлари, шунингдек, Толстойга нима сабабдан “Нобель” мукофоти берилмаганлиги, унинг васияти ҳақида ҳам ўқийсиз.

ISBN 978-9943-08-538-1
© «Лев Толстой ҳақида ҳақиқатлар». «Янги аср авлоди», 2010 йил. 184 бет

Kitobxon.Com

МУНДАРИЖА

Иқрорнома. Босилмаган асарга муқаддима........................... 4
«Иқрорнома»га изоҳлар...................................................... 87
Буюк адибнинг иқрорномаси (таржимондан)...................... 88
Шекспир ва драма тўғрисида (танқидий очерк).................. 93
Очерк ҳақида ........................................................................ 165
Баҳсга Толстой қўшилганди ............................................. 166
Толстойга нега Нобель мукофотини беришмаган?......... 170
“Мени энг арзон қабристонга кўминг” .............................. 176

Kitobxon.Com

# ИҚРОРНОМА

## БОСИЛМАГАН АСАРГА МУҚАДДИМА

### I

Мен православ насроний дини руҳида чўқинтирилганман ва тарбия топганман. Болалигимдан бошлаб, кейин эса бутун ўсмирлигим ва ёшлигим мобайнида мени диний руҳда тарбия қилишди. Аммо 18 ёшга тўлиб, дорилфунуннинг иккинчи курсини битирганимда менга ўргатган нарсаларининг ҳеч қайсисига ортиқ ишонмай қолгандим.

Баъзи бир хотираларимга қараб ҳукм қилинса, мен ҳеч қачон менга ўргатган нарсаларига ва катталарнинг менинг ҳузуримда қилган иқрорномаларига жиддий ишонган эмасман. Уларга фақат ишонқираб қарардим, холос, аммо бу ишонқирашнинг замини жуда бўш эди.

Эсимда, мен ўн бир ёшда эдим — аллақачон оламдан кўз юмган Володенька М. деган бир гимназия талабаси якшанба куни бизникига келиб, гимназияда кашф этган бир гапни катта янгилик сифатида гапириб берди. Кашфиёт шундан иборат эдики, Худо йўқ ва бизга ўргатган нарсаларнинг ҳаммаси беҳуда гаплар (бу 1838 йилда бўлган эди). Эсимда, акаларим бу янгиликка қизиқиб қолишди ва мени маслаҳатга чақиришди. Яна эсимдаки, биз ҳаммамиз анча ҳаяжонга тушдик ва бу гапларни жуда ғалати ва бўлиши мумкин гаплар тарзида баҳоладик.

Яна эсимда — акам Дмитрий дорилфунунда ўқиб юрган кезларида бирдан унинг табиатига хос жўшқинлик билан динга берилиб қолди ва ҳамма ибодатларга қатнай бошлади, рўза тутди, озода ва покиза ҳаёт кечира бошлади. Шунда биз ҳаммамиз, ҳатто катталар ҳам



Kitobxon.Com

тинимсиз тарзда унинг устидан кулиб юрдик ва уни негадир Нуҳ деб атадик. Эсимда, ўша кезларда Қозон дорилфунунининг мутаваллиси бўлган Мусин-Пушкин ҳаммамизни танца тушгани уйига таклиф қилган эди. Акам боришдан бўйин товлади. Шунда у истеҳзо билан Довуд ҳам кема олдида рақс тушган деб, акамни кўндиришга уриниб кўрди. Ўша кезларда катталарнинг бунақа ҳазил-ҳузуллари менга анча маъқул тушган эди. Мен улардан битта хулоса чиқардим — диний китобларни ўқиш керак, аммо буларнинг барини ҳаддан зиёд жиддий қабул қилмаслик керак. Яна шуниси хотирамдаки, мен жуда ёшлигимда Вольтерни ўқиганман ва унинг истеҳзоларидан норози бўлиш ўрнига уларни ўқиб, кайфим чоғ бўлар эди.

Менинг диндан қайтишим бизга ўхшаган ўқимишли одамлар ўртасида қандай содир бўлган ва бўлаётган бўлса, худди шундай рўй берди. Менинг назаримда, кўп ҳолларда бу қуйидагича содир бўлади шекилли: ҳамма қандай яшаса, айрим-айрим одамлар ҳам шундай яшайди. Ҳамма эса шундай ибтидолар асосида ҳаёт кечирадики, бу ибтидоларнинг диний эътиқодларга алоқаси йўққина эмас, балки кўп ҳолларда уларга буткул зид ҳамдир, диний эътиқодлар тирикчиликда иштирок этмайди, бошқа одамлар билан мулоқотда бўлганингизда ҳеч қачон диний эътиқодларга рўпара келмайсиз ва ўз ҳаётингизда ҳам ҳеч қачон ундан баҳраманд бўлишингизга тўғри келмайди; диний эътиқодларга кундалик ҳаётдан олисда ва унга боғлиқ бўлмаган ҳолда сиғинасиз. Агар унга тўқнаш келиб қолсангиз, фақат ҳаёт билан боғлиқ бўлмаган ташқи ҳодисадек муомалада бўласиз.

Одамнинг ҳаётига қараб, унинг ишларига қараб, унинг худога ишониш-ишонмаслигини билиб бўлмайди. Авваллари шунақа эди, ҳозир ҳам шундай. Мабодо борди-ю, православ динидаги одам билан уни инкор этувчи кас ўртасида бирон бир тафовут бўлса, бу диндор одамнинг фойдасига бўлмайди. Авваллари бўлгани каби ҳозирги пайтда ҳам православ мазҳабини тан олувчилар ва уни ўзларининг имонли деб билганларнинг кўпчилиги

ақли ноқис, бағритош ва виждонсиз одамлардир. Улар ҳаддан зиёд ўзларига бино қўйишган. Донолик, тўғрилик, номус, очиқкўнгиллилик ва диёнат эса кўпинча ўзларини динга ишонмайдиган деб тан олувчилар ўртасида учрайди.

Мактабларда диний китобларни ўқитадилар ва шогирдларни черковга қатнашга ундайдилар; мансабдорлардан ибодатга қатнашлари ҳақида гувоҳлик талаб қилинади. Аммо ортиқ бирон жойда ўқимайдиган, бирон давлат ишида хизмат қилмайдиган бизнинг тоифамиздаги одам ҳозирги пайтда ҳам, ўтган замонларда эса инчунун, ўнлаб йиллар мобайнида насронийлар орасида яшаётганини бирон марта хаёлига келтирмасдан ва ўзи ҳам насроний православ динидаги одам ҳисобланишини эсига олмасдан умр ўтказиши мумкин эди.

Ана шунақа ҳозир ҳам худди ўтмишдаги каби ишониб қабул қилганимиз ва ташқи тазйиқ билан қўллаб-қувватланиб туриладиган диний эътиқод диний таълимотга зид бўлган ҳаётий билим ва тажриба таъсирида камдан-кам эриб битмоқда. Одам эса, кўпинча, болалигидан унга сингдирилган диний таълимот ҳамон унинг онгида тўла-тўкис мавжуд деган ўй билан кўп йиллар ўзини-ўзи овутиб юраверади. Ҳолбуки, унинг онгида диний эътиқодларнинг изи ҳам қолмаган бўлади.

С. деган жуда доно ва ростгуй одам қандай қилиб динга ишонмай қўйганини менга гапириб берган эди. Йигирма олти ёшга кирганида, ов қилиб юрган чоғида, болаликдан ўрнашиб қолган одатига кўра, кечқурун ибодат қилабошлапти. У билан бирга овга келган акаси пичан устида ётиб, уни кузатипти. С. ибодатни тугатиб, ётишга чоғланаётганда, акаси унга «ҳали ҳам шу ишингни қўйганинг йўқми?» депти. Улар бир-бирларига бундан бошқа бир оғиз ҳам гап айтишмапти. Аммо С. шу кундан бошлаб ибодат қилмай қўйипти ва черковга қатнашни ҳам бас қилипти. Шу кўйи ўттиз йилдан бери ибодат қилмаётган ва черковга бормаётган экан. Бундай қилганига сабаб — у акасининг эътиқодларидан хабардор бўлгани ва уларга қўшилишга тайёрлиги эмас, ўз қалбида бирор қатъий қарорга келгани ҳам эмас.

Бор-йўқ сабаб шуки, акасининг оғзидан чиққан гап ўз оғирлигидан қулай-қулай деб турган деворга турткидай бўлган. Бу гап шунга ишора қилганки, у диний эътиқод бор деб ўйлаган жойда аллақачон ҳеч вақо қолмаган экан. Шунинг учун ҳам ибодат вақтида унинг оғзидан чиққан иборалар, чўқинишлари, саждага кетишлари — бари-бариси маъносиз ҳаракатлардан ўзга нарса эмас экан. Уларнинг маъносизлигини англагач, у ортиқ тоат-ибодатини давом эттиролмай қолган.

Мен ўйлайманки, бошқа жуда кўп одам ҳам шу аҳволга тушган ва тушади. Мен бизнинг тоифамизга мансуб ўқимишли одамлар ҳақида, ўз-ўзига рост гапирадиган одамлар тўғрисида сўзлаяпман. Диний эътиқодини биронта вақтинчалик, ўткинчи мақсадга эришиш воситаси қилиб олган одамлар бундан мустасно, албатта (Бундай одамлар, аслида, учига чиққан динсизлардир, негаки бундай одамлар учун дин ҳаётда муайян марраларга эришиш воситаси бўлса, бунақа дин дин бўлмайди). Бизнинг тоифамизга мансуб ўқимишли одамлар шунақа аҳволдаки, ҳаёт ва билим нури сунъий иморатни эритиб юборган ва улар ё буни сезиб, жой бўшатишган ёхуд ҳали уни сезишганларича йуқ.

Болалигимдан менга сингдирилган диний эътиқод бошқаларда қандай бўлса, менда ҳам шундай ғойиб бўлди. Фақат фарқ шунда эдики, мен жуда эрта ўқишга ва фикрлашга бошлаганим сабабидан менинг диндан қайтишим илк қадамларданоқ онгли характер касб этди. Мен ўн олти ёшимдан бошлаб ибодат қилмай қўйдим ва ўз ихтиёрим билан черковга қатнашни бас қилдим. Мен болалигимдан бошлаб менга сингдирилган ақидаларга ишонмай қўйдим. Аммо нимагадир ишонар эдим, бироқ нимага ишонишимни сўзлар билан очиқ-равшан ифодалаб беролмас эдим. Мен Худога ҳам ишонганман, тўғрироғи, Худони инкор этган эмасман, аммо қанақа Худога ишонишимни айтиб беролмас эдим. Мен Исони ҳам, унинг таълимотини ҳам инкор этмадим, бироқ, бу таълимотнинг моҳияти нимада эканини билмас эдим.

Эндиликда ўша вақтларни эслар эканман, шу нарса аниқ-равшан аён бўладики, менинг зътиқодим, яъни

ҳайвоний инстинктлардан ташқари менинг ҳаётимни ҳаракатга келтирган нарса, менинг ўша кезлардаги якка-ю ягона имоним комил инсон бўлишга ишонч эди. Аммо комилликнинг мазмуни қанақа, унинг қандай мақсадлари бор – буни айтиб беролмасдим. Мен ўзимни ақлий жиҳатдан мукаммаллаштиришга ҳаракат қилдим — қўлимдан келган ҳамма нарсани, ҳаёт мени рўпара қилган нарсаларнннг барини ўрганишга интилдим; мен иродамни мукаммаллаштиришга ҳаракат қилдим — ўз-ўзимга қоидалар яратиб, уларга амал қилишга уриндим; ўзимни жисмонан мукаммаллаштиришга киришдим — ҳар хил машқлар билан кучимни ва чаққонлигимни ўстирдим, ҳар хил муҳтожликларни кўриб, ўзимни бардошга ва сабр-тоқатга ўргатдим. Буларнинг барини мен мукаммаллашув деб ҳисобладим. Албаттаки, ҳамма нарсанинг ибтидоси маънавий мукаммаллашувимда эди, аммо орадан кўп ўтмай, унинг ўрнини умуман мукаммаллашув эгаллади, яъни ўз-ўзимнинг наздимда ёхуд Худонинг қаршисида яхшироқ бўлиш истаги эмас, балки бошқа одамлар олдида яхшироқ бўлиш истаги эгаллади. Орадан кўп ўтмай бошқа одамлар қаршисида яхшироқ бўлишга интилиш ўрнини бошқа одамлардан кучлироқ бўлиш, яъни бошқаларга қараганда шуҳратлироқ, донгдорроқ, бадавлатроқ бўлиш истаги эгаллади.

## II

Вақт-соати келса, мен ҳаётим тарихини ҳикоя қилиб бераман — ёшлигимдаги ўн йиллик умрим жуда ибратли ва таъсирчан кечган. Ўйлайманки, менинг кўнглимдан кечган туйғуларнинг кўпи бошқаларда ҳам кечган. Мен бутун қалбим билан яхши бўлишга интилгандим, аммо мен ёш эдим, ҳирсларимга асир эдим, аммо яхши бўлиш йўлларини излаганимда ёлғиз эдим, мутлақо ёлғиз эдим. Ҳар гал қалбимдаги энг яхши майлларимни, яъни маънавий жиҳатдан яхши бўлмоқчи эканимни намойиш қилсам, мени мазах қилишар ва менга нафрат билдиришарди; ёмон эҳтиросларга

бериладиган бўлсам эса, ҳар гал мени мақташар ва рағбатлантиришар эдилар. Манфаатпарастлик, шуҳратпарастлик, ҳокимиятпарастлик, шаҳвоният, мутакаббирлик, ғазаб, интиҳом — буларнинг ҳаммаси ҳурматга сазовор эди. Бу ҳирсларга берилганимда мен катта одамларга ўхшаб қолардим ва мендан мамнун эканликларини ҳис қилардим. Мен холажоним билан бирга турардим. Қўй оғзидан чўп олмаган бу покиза аёл ҳамиша менга бир тилак билдириб, «эр кўрган аёл билан алоқада бўлишингни истайман, чунки боадаб аёл билан алоқа қилган йигитнинг саводи тез чиқади» дерди. У менга яна бир тоифа бахт тиларди — менинг адъютант бўлишимни, бўлганга яраша подшонинг адъютанти бўлишимни истарди; унинг менга тилаган энг катта бахти шу эдики, менинг жуда ҳам бадавлат қизга уйланишимни истар, бу уйланиш оқибатида, менда сон-саноқсиз қуллар бўлишини хоҳлар эди.

Даҳшатсиз, ижирғанмасдан, юрак зил кетмасдан шу йилларни эслай олмайман. Мен урушда одам ўлдирганман, ўлдирмоқ ниятида дуэлга чақирганман, тасарруфимдаги мужикларни қартага бой берганман, уларнинг меҳнати эвазига яшаганман, уларни қатл этганман, фаҳш ишлар билан шуғулланганман, алдаганман. Ёлғончилик, ўғирлик, ҳар хил рангдаги зинокорлик, ичкиликбозлик, зўравонлик, қотиллик... Мен қилмаган жиноят қолган эмас ва бунинг ҳаммаси учун мени мақташган, тенгдошларим мени нисбатан виждонли одам деб ҳисоблашган ва ҳозир ҳам ҳисоблашади.

Шу аҳволда ўн йил яшадим.

Бу давр мобайнида шуҳратпарастлигим, манфаатпарастлигим, мутакаббирлигим важидан ёза бошладим. Ҳаётда нима номаъқулчилик қилган бўлсам, ёзганларимда ҳам шуни ёздим. Шуҳратга эришмоқ ва пул топмоқ учун жамики яхши нарсани яшириб, ёмон нарсани ёзмоқ керак эди. Мен шундай қилдим. Мен ёзган нарсаларимда лоқайдлик пардаси остида ва ҳатто, жиндай истеҳзо аралаш яхшиликка интилишларимни неча марталаб яшириб кетганман. Ҳолбуки, яхшиликка интилиш ҳаётимнинг мазмунини ташкил қиларди. Шу

йўл билан шуҳратга эришдим — мени мақтадилар.

Йигирма олти ёшга тўлиб, урушдан кейин Петербургга келдим ва ёзувчилар билан топишдим. Мени ўзларига яқин олиб қарши олишди, менга хушомадлар қилишди. Бир айланиб улгурмасимдан мен топишган одамларнинг ҳаётга мутакаббирона қарашларини ўзлаштириб олдим ва яхшироқ бўлиш борасида қилган ҳамма аввалги уринишларим таг-туги билан хаёлимдан учди-кетди. Бу қарашлар бебошлик билан кечираётган умримга қўшилиб бу ҳаётни оқлайдиган назарияга айланди.

Ёзувчилик борасидагн бу шерикларимнинг ҳаётга қараши шундан иборат эди: умуман ҳаёт ўз йўлида ривожланиб боради ва унинг бу ривожида биз, яъни фикрловчи одамлар асосий иштирокчилар сифатида кўринамиз; фикрловчи одамлар орасида эса биз — санъаткорлар, шоирлар асосий таъсир кучига эгамиз. Зиммамиздаги бурчимиз — одамларни ўргатиш. Аммо бунда ўз-ўзингга бериладиган савол кўндаланг бўлиши мумкин — хўш, мен ўзим нимани биламан-у, одамларга нимани ўргатаман? Шу савол кўндаланг бўлмасин учун юқоридаги назариямизда бир гап айтилди — санъаткор бировга бир нарса ўргатмоғи учун ўзи бирон нарса билиши шарт эмас, санъаткор билан шоир ғайришуурий тарзда ўргатишади. Мен жуда ажойиб санъаткор ва шоир ҳисобланардим, шунинг учун ҳам ғоят табиий бир тарзда бу назарияни ўзлаштириб олдим. Мен — шоирман, санъаткорман, ўзим нимани ўргатаётганимни билмаган ҳолда асар ёзиб, одамларга ўргатаман. Бунинг учун менга қалам ҳақи беришади, еганим олдимда, емаганим кетимда, турар жойим соз, аёллар бисёр, улфатларим жойида. Хуллас, шуҳратим юксак. Бундан келиб чиқадики, мен ўргатган нарса жуда яхши экан.

Поэзиянинг аҳамиятига ва ҳаётнинг ривожланишига бўлган бу ишонч — имон эди ва мен унинг муҳибларидан бири эдим. Бу имоннинг муҳиби бўлиш қулай ва ёқимли эди. Шу аҳволда шу имонга сажда қилиб, унинг чинлигига шак келтирмай мен анча яшадим. Аммо икки йил ўтгач ва айниқса, бундай ҳаётимнинг учинчи йили бошлангач, мен бу имоннинг бенуқсонлигига шубҳа қила бошладим

KITOBXON
BILIMLAR XAZINABONI

Bu tanishuv parchasidir. Asarning to‘liq versiyasi https://kitobxon.com/oz/asar/463 saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси https://kitobxon.com/uz/asar/463 сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте https://kitobxon.com/ru/asar/463